

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.15./31.12.2020.1.09.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРОВ АСРОР ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ
НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШНИ БОШҚАРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13– Менежмент

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Норов Асрор Эгамбердиевич

Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият натижаларини
тижоратлаштиришни бошқариш механизмларини такомиллаштириш 3

Норов Асрор Эгамбердиевич

Совершенствование механизмов управления коммерциализацией
результатов инновационной деятельности в высших учебных
заведениях..... 31

Norov Asror Egamberdiyevich

Improving the mechanisms for managing the commercialization of the
results of innovative activities in higher educational
institutions..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 64

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.15./31.12.2020.1.09.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРОВ АСРОР ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ
НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШНИ БОШҚАРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2020.3.PhD/Iqt1056-рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tstu.uz) ва “Ziynet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдурахманов Одил Каландарович**
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Раҳманбаева Роза Абдурахмановна**
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Набиев Дилмурод Хамидуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация химояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.15./31.12.2020.1.09.04 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил “16” август куни соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100167, Тошкент шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 1. Тел.: (0 371) 299-00-01; факс: (0 371) 293-57-54; e-mail: rektorat@tstu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (030 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 1. Тел.: (0 371) 299-00-01; факс: (0 371) 293-57-54.

Диссертация автореферати 2021 йил “02” 08 да тарқатилди.
(2021__ йил “02” 08 даги 2 рақамли реестр баённомаси).



А.А.Гуламов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, и.ф.д.

С.А.Юлдашева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Б.Х.Тураев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, и.ф.д.

Тошкент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳўжалигининг интеграциялашуви шароитида халқаро даражаларда турли мулкчилик шаклига асосланган олий таълим муассаса (ОТМ)ларида илғор технологиялар ва инновациялардан самарали фойдаланиш инновацион менежмент усулларини қўллаш ҳисобига эришилмоқда. Ушбу тенденция ва жараёнлар ОТМларни, хусусан, университет, институт, илмий тадқиқот муассасаларини комплекс ривожлантириш, инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш ҳисобига илмий маҳсулотлар экспортини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ривожланиш суръатларига эришишни таъминлайди. Чунки, ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотида (ЯИМ)да инновацияларнинг улуши 10 фоизга тўғри келади¹. Замонавий инновацион жараёнлар мураккаб бўлиб, уларнинг ривожланиш қонуниятлари таҳлил қилиниши лозим. Бунинг учун янгилик киритиш турли хил ташкилий-иқтисодий жиҳатлари билан шуғулланувчи мутахассислар, инновацион менежерлар зарур.

Жаҳонда турли мулкчиликка асосланган ОТМлар фаолиятининг инновацион бошқарувини такомиллаштириш ва тижоратлаштиришга доир муаммоларни илмий асосда ҳал этиш юзасидан тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Жумладан, инновацион бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳисобига таълим муассасаларининг интенсив ривожланишини таъминлаш, инновацион бошқарув ва тижоратлаштириш методологиясини такомиллаштириш, инновацион тизимли таҳлил усулларини қўллаш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда. Жаҳонда ОТМлар инновацион фаолиятининг ривожланиши, инновацион бошқарув ҳамда етакчи давлатлар иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар ва муносабатларни янада такомиллаштириш асосий илмий тенденциялардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар туфайли ОТМларнинг таркибий-тузилмавий ўзгаришлари амалга оширилди ва инновацион бошқарув усуллари жорий этилмоқда. Аммо ҳозирги шароитда ОТМларда инновацион ғоялар ва технологик ишланмалардан фойдаланиш асосида инновацион бошқарув механизмларининг ишлашини таъминлаш, инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш асосида таълим самарадорлигини ошириш ҳамда инвестициялардан самарали фойдаланиш паст даражада қолмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш”² каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси ОТМларда инновацион фаолиятнинг

¹ <http://mirznanii.com/a/257730/rol-promyshlennosti-v-mirovom-khozyaystve>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

стратегик бошқарув механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишни тақазо этади. Бу эса мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 21 сентябрдаги “2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон, 2018 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари ҳамда 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сон қарорлари, “Инновацион фаолият” тўғрисидаги қонун ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ташкилот ва муассасаларнинг инновацион ривожланиши ва инновацион бошқаруви, инновацион тижоратлаштириш масалалари кўплаб хорижлик олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан, бу борада хорижлик олимлардан А.Шоу, К.Р.Макконел, С.Л.Брю, А.Смит, Р.Такер, М.Портер, Й.Шумпетер³ каби олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ташкилотларнинг иқтисодий ривожланишида инновацияларнинг роли, турли хилдаги инновацияларнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар динамикасига таъсири, инновацион бошқарув борасидаги фундаментал тадқиқотлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) олимларидан Л.И.Абалкин, И. Ансофф, В.П.Баранчеев, В.П.Красовский, Р.А.Фатхудинов, В.Ф.Федоренко, М.Хучек⁴ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

³ Show A. Some Problems in Market Distribution. Quarterly Journal of Economics, XXVI August 1912. –P. 703-765; Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2-х т. – Москва: Республика, 1992. – С 388; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. В 2-х т. – Москва:Наука, 1992. Т.1. – С. 13; Такер Р.Инновации какформула роста: Новое будущее ведущих компаний (пер. с англ. Анкудинова А.), 2006. – С.240.; Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ./ Под. ред. В.Д.Щетинина. – Москва: Международные отношения, 1993. – С 64; Шумпетер Й. История экономического анализа: В 3 тт (пер. с англ., под ред. Автономова В.С.). – Москва: Экономическая школа, 2004. – С. 1666.

⁴Абалкин Л.И., Абрамова М.А., Алексеев А.И. Национальная экономика: Учебник. – Москва: Экономист, 2005. – С. 813; Ансофф И. Стратегическое управление. – Москва: Экономика, 1989. – С. 358; Баранчеев В.П. Управление инновациями. – Москва: Высшее образование, 2009. – С.712;Резервы повышения эффективности инвестиционного комплекса: монография / Красовский В.П., Смышляева Л.М., Лойгер Л.М. и

Инновацияларни ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш муаммолари билан Н.М.Абдикеев, Ф.Басс (F.Bass), Л.П.Гончаренко, В.Я.Горфинкель, К.Гринхол (Ch.Greenhalgh), А.Л.Денисова, И.Н.Дрогобыцкий, Е.Б.Ленчук, Н.В.Линдер, О.В.Лосева, Д.Мур (G.Moore), В.И.Мухопад, И.А.Никонова, Т.Г.Попадюк, М.Роджерс (M.Rogers), Э.М.Роджерс (E.M.Rogers), И.М. Рукина, А.В.Трачук, Р.Н.Федосова каби кўплаб олимлар шуғулланганлар. Ушбу олимларнинг тадқиқот ишларида инновацияларнинг тарқалиши, инновацион фаолиятни ташкил этиш, инновацияларнинг унумдорлик ва самарадорликка таъсири, интеллектуал мулкни баҳолаш ҳамда ҳимоя қилиш масалалари ўрганилган.

Ўзбекистонда инновацияларни тижоратлаштириш, инновацион бошқарув ва унинг самарадорлиги масалалари маҳаллий олимлардан Н.Қ.Йўлдошев, Б.К.Ғойибназаров, С.С.Ғуломов, Ш.Н.Зайнутдинов, Б.Н.Навруз-зода, Т.З.Тешабоев, О.К.Абдурахманов, М.Л.Турсунходжаев, Р.А.Раҳманбаева, Н.А.Хашимова, Ш.И.Отажонов, М.Қ.Пардаев, Н.Хушматов, Б.Камилжонов, С.Н.Хамраева, Р.Х.Эргашев, А.М.Қодиров, О.С.Қаҳҳоров, А.Очилов, А.С.Кучаров, Д.Н.Раҳимова ва бошқаларнинг илмий изланишларида тадқиқ қилинган.

Аммо шунга қарамасдан олий таълим муассасаларида инновацияларни тижоратлаштиришни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми, таркибий қисмларининг ўзаро таъсирини ўрганишга бағишланган комплекс тадқиқотга бўлган зарурат ушбу мавзунинг долзарблигини, диссертация ишининг мақсади, вазифалари, тузилиши ва мантиқийлигини белгилаб берди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ва ПЗ-20170923100-рақамли “Минтақани комплекс ривожлантиришда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари” мавзусидаги амалий лойиҳаси билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон олий таълим муассасаларида инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштиришни бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари инновацион фаолияти натижаларини тижоратлаштиришнинг асосий босқичлари ва усулларини тадқиқ этиш;

олий таълим муассасаларида инновацион фаолияти натижаларини тижоратлаштиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини ўрганиш;

др.;Фатхудинов Р.А. Инновационный менеджмент: Учеб.для вузов. – Москва: ЗАО «Бизнес-школа «Интел-синтез», 1998.– 17с.; Хучек М. Инновация на предприятии и их внедрение.– Москва: Луч, 1992. 86б; Федоренко В.Ф.Научно-информационное обеспечение инновационного развития во сфере сельского хозяйства: науч. изд.– Москва: ФГБНУ “Росинформагротех”, 2011. – 368 с.

олий таълим муассасаларида инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштиришни бошқариш механизмини шакллантиришга комплекс ёндашувни асослаш;

олий таълим муассасаларида инновацияларни тижоратлаштириш бошқариш жараёнини ташкил этиш моделини ва тижоратлаштиришнинг замонавий стратегияларини ишлаб чиқиш;

инновацион таълим соҳасини таҳлил қилиш асосида инновацияларни тижоратлаштиришни бошқаруви жараёнига таъсир этувчи асосий омилларни баҳолаш;

олий таълим муассасаларида инновацияларни тижоратлаштиришни бошқариш бўйича муаммоларни аниқлаш ва уларнинг бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

стратегияларнинг барча босқичлари ва бошқарув жараёнини ўз ичига олган инновацияларни тижоратлаштириш жараёнини амалга ошириш модели таклиф этиш;

ташкилотнинг ихтисослашувига ҳамда ташқи белгиларига асосланиб, инновацияларни тижоратлаштиришнинг бошқаруви стратегияларини ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасаларида инновацияларни тижоратлаштиришни бошқариш механизми самарадорлигини баҳолаш бўйича назорат кўрсаткичлар мажмуини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасалари тизимидаги инновацион жараёнлар ва уларни бошқариш механизмлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим муассасаларида инновацияларни тижоратлаштиришни бошқариш механизмлари амал қилиши жараёнида юзага келадиган ижтимоий - иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, корреляцион-регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инновацияларни тижоратлаштиришнинг таълим соҳасида яратилган ички механизми ва инновацияларни тижоратлаштириш самарадорлигини таъминлаш учун давлат томонидан яратилган ташқи механизмларни ҳисобга олиб, ОТМларидаги инновацияларни тижоратлаштиришни бошқариш механизмлари такомиллаштирилган;

стратегияларнинг барча босқичлари (бешта босқич) ва бошқарув жараёнини ўз ичига олган инновацияларни тижоратлаштириш жараёнини амалга ошириш модели тавсия этилган;

ташкилотнинг ихтисослашувига ҳамда ташқи белгиларига асосланиб, “рақобатбардошлик мавқеи ва муҳити”, “инвестицион” ва “аралаш” стратегияларни қўллаш ҳисобига инновацияларни тижоратлаштиришнинг бошқаруви стратегиялари таснифи таклиф этилган;

олий таълим муассасаларида инновацияларни тижоратлаштиришни бошқариш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмнинг самарадорлигини баҳолаш учун такомиллаштирилган назорат кўрсаткичлар мажмуи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ички ва ташқи механизмлар асосида таълим соҳасида инновацияларни тижоратлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми такомиллаштирилган;

халқаро тажрибалар ва тамойилларга асосланиб, олий таълим муассасаларида инновацияларни тижоратлаштириш стратегиялари таснифи ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасаларида инновацияларни тижоратлаштириш жараёнига таъсир этувчи асосий омиллар ва тамойиллар баҳоланган;

ташкилий-иқтисодий механизмнинг самарадорлигини баҳолаш учун олий таълим муассасаларида инновацияларни тижоратлаштириш бўйича назорат кўрсаткичлар мажмуи таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан кенг фойдаланилганлиги, илмий тадқиқотларнинг замонавий усуллари ҳамда назарий ишланмалари амалий вазифаларни ҳал этишда қўлланилиши ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, шунингдек, олинган натижалардан амалиётда фойдаланилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлардан ОТМларида стратегик бошқарув усуллари ва инновацион технологияларни қўллаш орқали синергетик самарадорликни ошириш, жалб этиладиган инновацияларнинг самарасини аниқлаш методологиясини такомиллаштиришни янада тадқиқ этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ОТМлар фаолиятини инновацион бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг назарий-услубий асослари ва комплекс дастурига оид методик тавсияларни яратиш, инновацион фаолиятни тижоратлаштиришнинг назарий-услубий механизмларини такомиллаштириш ҳамда ОТМларини бошқаришда қўлланилиши, шунингдек, тадқиқот натижаларидан “Инновацион менежмент”, “Бизнесни бошқариш”, “Стратегик менежмент” каби фанлар бўйича кейс-стади, маърузалар матни, ўқув қўлланмалар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим соҳасида инновацион фаолиятни тижоратлаштириш ва бошқариш самарадорлигини ошириш юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

инновацияларни тижоратлаштиришнинг таълим соҳасида яратилган ички механизми ва инновацияларни тижоратлаштириш самарадорлигини таъминлаш учун давлат томонидан яратилган ташқи механизмларни ҳисобга олиб, ОТМлардаги инновацияларни тижоратлаштиришнинг такомиллаштирилган бошқариш механизми Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 89-03-2775-сон маълумотномаси). Таклиф қилинаётган ёндашув ички ва ташқи механизмларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирини ўрганишга, энг муаммоли соҳаларни аниқлашга ва алоҳида олинган ҳар бир механизмнинг амал қилишини яхшилаш бўйича мақсадли чораларни кўриш натижасида умумий инновацияларни тижоратлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарали амал қилишига имкон берган;

стратегияларнинг барча босқичлари (бешта босқич) ва бошқарув жараёнини ўз ичига олган инновацияларни тижоратлаштириш жараёнини амалга оширишнинг муаллифлик модели Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги 03-10/2421-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида олий таълим муассасаларнинг инновацион фаолияти натижаларини тижоратлаштириш механизми намунали стратегияларининг тавсифи ёритилган, бу эса олий таълим муассасаларнинг ихтисослашувига қараб энг яхши вариантни тез танлаш имконини берган;

ташкilotнинг ихтисослашувига ҳамда ташқи белгиларига асосланиб, инновацияларни тижоратлаштириш бошқаруви стратегияларининг таснифи Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги 03-10/2421-сон маълумотномаси). Таклиф натижасида аниқланган омиллар инновацияларни тижоратлаштиришнинг ички механизмини ривожлантиришнинг иккита устувор йўналишларини белгилаб берди: “молиялаштириш” қисми нуқтаи назаридан захираларни қидириш, молиялаштиришнинг ички манбаларини шакллантириш ва оптималлаштириш; “инновацияларни тижоратлаштириш стратегияси” қисмида эса давлат буюртмаси тизимида иштирок этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш имконини берган;

олий таълим муассасаларида инновацияларни тижоратлаштириш бошқаруви бўйича такомиллаштирилган ташкилий-иқтисодий механизмнинг самарадорлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган назорат кўрсаткичлар мажмуи Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги 03-10/2421-сон маълумотномаси). Таклиф этилаётган кўрсаткичлар мажмуи инновацион муассасаларнинг молиявий-иқтисодий фаолиятини (тижоратлаштириш натижасидаги) ҳар йили назорат қилиш ва шу асосида инновацияларни тижоратлаштиришни давлат томонидан

қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, шундан, 12 таси республика ва 5 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шу билан биргаликда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштиришни бошқаришнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида инновацион фаолиятнинг назарий асослари, олий таълим тизимида инновацион бошқарув самарадорлиги, уларга таъсир қилувчи омиллар ва тамойиллар ёритиб берилган.

“Инновация” тушунчаси ўзининг янги ҳаётини “инновацион комбинациялар”ни таҳлил қилиш, иқтисодий тизимларнинг ривожланишидаги ўзгаришлар натижасида XX аср бошида австриялик ва америкалик иқтисодчи Й.Шумпетернинг илмий ишларида бошлаган. Шумпетер 1900 йилларда иқтисодиётда ушбу атамани илмий қўллашга киритган дастлабки олимлардан эди⁵.

Инновацияга ҳар қандай турдаги янгилик сифатида эмас, балки мавжуд тизимнинг самарадорлигини жиддий равишда оширадиган омил сифатида қараш лозим. Иқтисодий адабиётларда “инновация” тушунчасига таъриф бериш учун турли хил ёндашувлар пайдо бўла бошлади. Масалан, Э.А.Уткиннинг ёндашувига кўра, инновация деганда “ишлаб чиқаришга

⁵ Степанова И.П. Инновационный менеджмент. Москва: Учебник. 2014.– 56-с.

жорий этилган объект”⁶ тушунилади. И.Степанованинг фикрига кўра, “инновация илмий-техника салоҳиятини реал, янги маҳсулот ва технологияларни юзага чиқарадиган жараён”⁷дир. Л.Водачек ва О.Водачкова инновацияларни “корхона фаолиятининг тизим сифатида мақсадли ўзгариши” деб таърифлайдилар⁸.

“Инновация” тушунчасининг юқоридаги таърифлари ўзгаришларнинг микроиктисодий хусусиятини акс эттиради ва бу ерда улар ташкилот фаолиятини модернизациялаш омили сифатида кўриб чиқилган. Тадқиқотда инновациялар ҳаёт циклининг асосий таркибий қисмлари ўрганилиб, тизимлаштирилди (1-расм).



1- расм. Инновация ҳаёт циклининг асосий таркибий қисмлари⁹

Бизнинг фикримизча, инновацион фаолиятни тўпланган технологиялар, билимлар ва ускуналарни тижоратлаштиришга мўлжалланган технологик, илмий, ташкилий ва молиявий чора-тадбирлар мажмуи деб таърифлаш мумкин. Инновацион фаолият натижалари, инновациялар бу янги ёки такомиллаштирилган товарлар (хизматлар), янги сифатга эга товарлар ёки хизматлардир.

Инновацион фаолиятни инновацияларни яратиш, ўзлаштириш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш бўйича ишлар сифатида ҳам тавсифлаш мумкин. Шунингдек, ассортиментни кенгайтириш ёки янгилаш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, товарлар, хизматлар сифатини ошириш, уларнинг технологияларини такомиллаштириш, ички ва ташқи бозорда самарали сотиш учун илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқиш, қўллаш ва тижоратлаштиришга йўналтирилган фаолият деб ҳам баҳолаш мақсадга мувофиқ¹⁰. Буларнинг барчаси чора-тадбирлар мажмуини талаб этади ва охир-оқибат инновацияларга олиб келади.

⁶ Уткин Э.А. Управление компаниями. – Москва: Экономика, 1997. – 124-с.

⁷ Степанова И.П. Инновационный менеджмент. Москва: Учебник, 2014.– 56-с.

⁸ Водачек Л., Водачкова О. Стратегия управления инновациями на предприятии. – Москва: Экономика, 1989. – 89-с.

⁹ Водачек Л., Водачкова О. Стратегия управления инновациями на предприятии. – Москва: Экономика, 1989. – 167 с.

¹⁰ Мамутов В.К. Правовое обеспечение инновационной деятельности / Мамутов В.К. // Экономика региона, издательство Института экономики Уральского отделения РАН. – Екатеринбург: 2009. – № 4. – С. 51-56.

Тадқиқотда инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ишлаб чиқилган (2-расм).




2-расм. Инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари¹¹

Инновацияларни тижоратлаштириш – бу инновациялар учун молиявий ресурсларни ажратиш ва уларнинг сарфланишини босқичма-босқич назорат қилиш жараёни бўлиб, у саноатда тугалланган, ўзлаштирилган янгиликларни бериш ва баҳолашни ўз ичига олади¹². Юқоридаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда тижоратлаштиришни инновацияларни бозорга чиқариш жараёни, яъни инновацион маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш деб белгилаш мумкин. Мазкур жараённинг барча иштирокчиларини инновацияларни ишлаб

¹¹Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹² Комков Н.И. Требования и условия оценки эффективности бизнес-инноваций в условиях рыночной конкуренции / Н.И.Комков, Г.Г.Балаян, Н.Н. Бондарева, под ред. А.Г.Коровкина. Научные труды ИПП РАН. – Москва: Макс-Пресс, 2005.–164 с.

чиқувчилар ва уларнинг харидорлари (инвесторлар) сингари икки тоифага бўлиш мумкин (3-расм).



3-расм. Инновацияларни тижоратлаштиришда иштирокчилар таснифи¹³

3-расм таҳлили шуни кўрсатадики, инновацияларни тижоратлаштириш жараёнининг яна бир иштирокчисини, яъни инновацияларни ишлаб чиқарувчилар ва харидорлари ўртасида воситачилик вазифасини бажарадиган инновацион марказлар, инновациялар трансфери ва тижоратлаштириш марказлари, консалтинг фирмалар ва бизнес-инкубаторларни ажратиш лозим.

Санаб ўтилган барча ташкилотлар турли хил хизматларни (брокерлик, консалтинг ёки юридик), ишлаб чиқарувчиларнинг интеллектуал мулки билан ишлаш, уни ҳимоя қилиш ва бозорга чиқаришни таъминлайдиган хизматларни кўрсатадилар.

Инновацияларни тижоратлаштириш жараёни бир неча кетма-кетликдаги босқичларни ўз ичига олади (4-расм).

¹³Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



4-расм. Инновацияларни тижоратлаштириш жараёни босқичлари¹⁴

4-расмга кўра, биринчи босқичда инновациялар баҳоланади ва бозорга олиб чиқиш учун ичидан энг истиқболлилиги танланади. Бу ҳолат агар корхона бир вақтнинг ўзида бир нечта инновацион маҳсулот ёки хизматларни ишлаб чиқса кузатилади. Мазкур баҳолаш қуйидаги мезонлар бўйича экспертиза орқали амалга оширилади:

1) инновациялар имконияти, ушбу инновацион маҳсулотга жамиятда бўлган талаб даражаси;

2) потенциал харидорнинг инновацион маҳсулотга ёки хизматга бўлган талаби (бозорнинг муайян сегментида);

3) инновацион маҳсулотни сотишдан олинadиган потенциал иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари (қоплаш муддати, соф жорий қиймат, даромаднинг ички меъёри ва бошқ.).

Тижоратлаштириш жараёнининг иккинчи босқичи – бу зарур бўлган молиявий ресурсларни тўплашдан иборат. Фақат баъзи инновацион корхоналардагина инновацияларни молиялаштириш учун ўзининг етарли маблағлари мавжуд, шу боис тижоратлаштириш жараёнининг иккинчи босқичидаги асосий вазифа инвесторни жалб қилиш ҳисобланади.

Учинчи босқичда яратилган инновацион товарлар ёки хизматларга бўлган ҳуқуқларни мустаҳкамлаш ва кейинчалик уларни тижоратлаштириш жараёнининг барча иштирокчилари ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

Инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш жараёнининг охириги, тўртинчи босқичи инновацияларни ишлаб чиқишни ташкил этиш, уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва керак бўлганда келгусида қайта ишлашни ташкил қилишни ўз ичига олади¹⁵.

Халқаро тажрибада инновацияларни тижоратлаштиришнинг учта асосий усули мавжуд. Буларга инновациялардан мустақил фойдаланиш, уларга бўлган ҳуқуқларни қисман бошқаларга ўтказиш ёки тўлиқ ўтказиш киради¹⁶.

Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият салоҳиятини ўрганиш борасида тўпланган маҳаллий ва хорижий тажрибани ҳисобга олиб, олий таълим муассасаларида инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштиришни бошқариш тамойилларини 1-жадвалда тақдим этилган

¹⁴Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁵ Тихонов Н.А. Эффективность способов коммерциализации инноваций / Н.А.Тихонов // Управление экономическими системами. Москва, 2012. – № 4. – С. 104.

¹⁶ Ляшин А. Стратегии коммерциализации инноваций – мост между инноватором и бизнесом [Электронный ресурс /А.Ляшин// Экономика и жизнь. Москва, 2011. – №36 (9402). –Режим доступа: URL: <http://www.eg-online.ru/>

кўринишда тизимлаштириш таклиф қилинди. Ушбу тамойиллар олий таълим муассасаларида инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштиришни бошқариш бўйича билимларнинг илмий ва амалий соҳалари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг назарий асосларини очиб беради. Масалан, тизимлилик тамойили бошқарув объекти ва бошқарув тизимининг сабаб-оқибат муносабатларини, комплекслилик тамойили олий таълим муассасаларида инновацион фаолият ривожланишига ижобий ва салбий таъсир кўрсатадиган омиллар ва шарт-шароитларни очиб беради, самарадорлик тамойили эса олий таълим муассасаларида инновацияларни яратиш ва фойда олиш мақсадида инновацион фаолият субъектлари муносабатларини тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилади ва бошқалар.

1-жадвал

Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият ривожланишини бошқариш тамойиллари¹⁷

Тамойил	Тамойил мазмуни
А	Б
Тизимлилик тамойили	Бошқарув объекти ва бошқарув тизимини биргаликда ва ажралмас ҳолда кўриб чиқишни назарда тутаяди, улар ўртасидаги сабаб-оқибат муносабатларини очиб беради
Инновацион фаолият иштирокчилари манфаатларини уйғунлаштириш асосида самарали ҳамкорлик тамойили	Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият ривожланишини бошқариш ушбу жараёнда давлат, бизнес, фан ва таълимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ва тизимли-функционал ҳамкорлик асосида иштирок этишни назарда тутаяди
Комплекслилик тамойили	Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият ривожланишига ижобий ва салбий таъсир кўрсатадиган омиллар ва шарт-шароитларни очиб беради. Инновацион ривожланиш омиллари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олиш қабул қилинаётган қарорлар самарадорлигини ошириш имконини беради
Юқорига қараб ҳаракатланиш тамойили	Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият ривожланиши вақт ўтиши билан ҳолат ўзгаришининг босқичлари кетма-кетлигини англаяди. Олий таълим муассасасининг инновацион ривожланишини бошқариш инновацион ривожланишнинг янги даражасига ўтишни таъминлаш учун тизимли шароитларни яратишга асосланади
Мақсадга	Инновацион имкониятларни таҳлил қилишдан келиб чиқиб

¹⁷Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тамойил	Тамойил мазмуни
А	Б
эришиш тамойили	аниқ белгиланган мақсадларни белгилаш ва барча саъй-ҳаракатларни белгиланган мақсадларга эришишга йўналтиришни тавсифлайди
Назорат қилиш тамойили	Инновацион фаолиятни амалга ошириш жараёнида бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан, дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун уларни ўтказишнинг тасдиқланган жадвалларига мувофиқ бошқарув субъектининг назоратини амалга ошириш назарда тутилади
Тузилмавий тамойили	Инновацион ресурсларни тақсимлаш жараёнида оқилona тузилмавий нисбатни тавсифлайди, прогноз қилинадиган минтақавий бизнес тузилмасини шакллантиришда олий таълим муассасасининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасини, инновацион ривожланишнинг устувор йўналишларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилишни кўзда тутади
Самарадорлик тамойили	Олий таълим муассасасида инновацияларни яратиш ва жорий этиш иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, фойда олиш мақсадида инновацион фаолият субъектлари муносабатларини тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларининг инновацион фаолиятини тижоратлаштирилиши иқтисодиётга таъсири шундан иборатки, у иқтисодиёт тармоқларини ва ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришга имкон беради. Ушбу функциялардан келиб чиққан ҳолда, олий таълим муассасасининг инновацион фаолиятини самарали ривожлантириш натижалари сифатида: тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб этиш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграцияси таъминлаш имкониятларини кенгайтириш керак.

Олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ривожлантириш профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини оширишга йўналтириш бу соҳага инвестициялар ҳажмини кўпайтиришга олиб келади. Қуйида биз томонимиздан олий таълим муассасаларининг илмий ва инновацион фаолиятини даражасини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизими таклиф этилди (2-жадвал).

Олий таълим муассасаларининг илмий ва инновацион фаолиятини даражасини баҳолаш кўрсаткичлари илмий даражали педагог кадрлар салоҳияти сифатини яхшилаш, илмий ишланмаларнинг натижадорлигини ошириш, илмий мактабларнинг яратилганлигига қаратилган илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси инобатга олиниши керак. Бу, энг аввало, профессор-ўқитувчиларнинг илмий фаолиятини доимий равишда етарли

даражада рағбатлантириш; инновацион инфратузилмани ривожлантириш даражаси ва сифатини ошириш; фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциясини таъминлаш; илмий ва инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш ва бошқа кўрсаткичларни тизимли баҳолашда намоён бўлади.

2-жадвал

Олий таълим муассасаларининг илмий ва инновацион фаолиятини тавсифловчи ривожланиш кўрсаткичлари¹⁸

Илмий ва инновацион фаолият хусусиятлари	Ривожланиш кўрсаткичлари
<p>1. Илмий-услубий фаолиятни яхшилаш</p>	<p>Ўқув йили давомида нашр этилган дарслик, ўқув қўлланмалар ва ижодий ишлар каталоги; илмий-ижодий конференциялар, халқаро ва республика миқёсидаги кўргазмалар ташкил этиш ёки уларда иштирок этиш; илмий (санъат) нашрларида (шу жумладан, хорижий илмий (санъат) нашрларда) мақолалар, монографиялар, ижодий ишларни эълон қилиш, илмий-ижодий ишлар ва диссертацияларга тақриз ёзиш; халқаро, илмий-ижодий лойиҳаларга, хўжалик шартномаларига раҳбарлик қилиш ёки уларда иштирок этиш, натижаларини ишлаб чиқариш, ўқув жараёнига жорий этиш; патентлар ва ихтиролар олиш; таянч докторант, докторант, мустақил тадқиқотчи, бакалаврият ва магистратура талабаларига илмий раҳбарлик қилиш; докторлик диссертацияси доирасида илмий тадқиқот олиб бориш ва ҳимоя қилиш; илмий даража берувчи илмий кенгашларда ва илмий журналлар таҳририятида аъзосифатида иштирок этиш; илмий даража ва илмий унвонга эгалиги;</p>
<p>2. Инновацион фаолиятни ривожлантириш</p>	<p>ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда илмий ва лаборатория воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда янги ўқув маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; ўқув жараёнида амалий қўлланадиган ёки ишлаб чиқаришга жорий қилинган интеллектуал фаолият натижаси борлиги; ихтиро ва/ёки фойдали моделга хорижий патент олганлиги; хорижий халқаро кўргазмаларда ўзларининг илмий ютуқларини оммалаштириш;</p>

Тадқиқотнинг “Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштиришни бошқариш механизмлари таҳлили” деб номланган иккинчи бобда инновацион фаолият натижаларини

¹⁸Эмприк тадқиқотлар асосида шу кўрсаткичлар танлаб олинди.

тижоратлаштиришни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, молиявий самарадорлиги, хорижий тажрибалардаги илмий ёндашувлар ёритиб берилган.

Диссертацияда олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион фаолиятини тижоратлаштиришни бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг 8 та босқичдан иборат тартиби ишлаб чиқилган (5-расм). Ушбу босқичларнинг амалга оширилиши олий таълим муассасаларининг кенгайтирилган илмий ва инновацион фаолияти таҳлилини амалга ошириш, инновацион бошқарув ва уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш, бошқарув самарадорлигини баҳолаш, самарадорликни ошириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятларини кенгайтирди.



5-расм. Олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион фаолиятини тижоратлаштиришни бошқариш самарадорлигини баҳолаш услуги босқичлари¹⁹

¹⁹ Муаллиф ишланмаси

ОТМларнинг инновацион жамғармаларини шакллантириш инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришдан олинадиган даромадлар, ОТМларнинг иш ҳақи, стипендия тўлаш ва бошқа жорий харажатлари қоплангандан кейин тўлов-контракт маблағларининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорини йўналтириш ҳисобига амалга оширилади.

Мамлакатда 2018 йилдан бошлаб барча олий таълим муассасаларида инновацион жамғармалар шакллантирилиб, у билан боғлиқ фаолият йўлга қўйилди. Жумладан, илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлимларида банд бўлганлар сони 2020 йилда 138,5 тани ташкил этди. Мазкур кўрсаткич 2019 йилга нисбатан кескин ўзгаришни акс эттирмаган бўлсада, 2018 йилга нисбатан 1,4 баробарга ўсган (3-жадвал).

Шунга мос равишда, тижоратлаштириш бўлимида ажратилган штатлардаги бандларнинг улуши ҳам йиллар давомида ўзгариб бормоқда. Жумладан, умумий тасдиқланган штатларга нисбатан банд бўлганларнинг улуши 2020 йилда 72,3 фоизни ифодалаб, ўтган йилларга нисбатан ортган. Яъни, ушбу кўрсаткич 2018 йилда 66,9 фоизни ва 2019 йилда 72,1 фоизни, 2020 йилда 72,3 фоизни акс эттирган.

3-жадвал

Ўзбекистон ОТМларида тижоратлаштириш бўлимларида банд бўлганларнинг ўзгариш тенденциялари²⁰

Тижоратлаштириш бўлимининг штат бирликлари	Ўлчов бирлиги	2018	2019	2020	2020 йилда 2018 йилга нисбатан мутлақ ўзгариши, (+, -)
Тасдиқланган штатлар сони	Киши	146,5	186,5	191,5	45,0
Банд бўлган штатлар сони	Киши	98	134,5	138,5	40,5
Вакант штатлар сони	Киши	48,5	52	53	4,5
Банд бўлганларнинг умумий тасдиқланган штатга нисбатан улуши	Фоиз	66,9	72,1	72,3	5,4
Вакант штатларнинг умумий тасдиқланган штатлардаги улуши	Фоиз	33,1	27,9	27,7	-5,4

Тижоратлаштириш бўлимида тасдиқланган штатларга мос бандларнинг улуши ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бунга қарама-қарши равишда вакант штатларнинг тасдиқланган штатлардаги улуши ҳам ўзгариб бормоқда.

²⁰ Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги маълумотлари асосидаги таҳлилий ишланмаси.

Мазкур кўрсаткич 2020 йилда 27,7 фоизни акс эттирган бўлиб, ўтган йилларга нисбатан камайган. Яъни, 2020 йилга келиб ўтган йилларга нисбатан кескин ўзгариш 2018 йилга нисбатан кузатилди ва 5,4 бирликка қисқариш бўлди. Шундай бўлсада, вакант штатларнинг тасдиқланган штатлардаги улуши кўрсаткичи хануз сақланиб қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида – тижоратлаштириш бўлими ходимлари учун ажратилган иш ҳақларининг пастлигини кўрсатиб ўтаемиз. Шу билан бирга, соҳада фаолият олиб бориш малакасига эга маркетингларнинг етишмаслиги ҳам тижоратлаштириш бўлими учун белгиланган штатларда вакант ўринларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Олий таълим муассасаларининг тижоратлаштириш фаолиятини баҳолашда банд бўлганлар қаторида, жалб этилган маблағларни ҳам тадқиқ этишимиз лозим. Республика олий таълим муассасалари томонидан 2018-2020 йиллар давомида инновацион жамғармага тушган маблағларнинг умумий ҳажми ўсиб бормоқда. Жумладан, 2020 йилга келиб мазкур маблағлар ҳажми 24,35 млрд сўмга етди ва 2019 йилга нисбатан 17,3 фоизга ҳамда 2018 йилга нисбатан эса 5,3 баробарга ортган. Шунингдек, даромадларнинг шаклланиш манбаларида ҳам ўзгаришлар кузатилди. Инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришдан олинган даромадларнинг қиймати 2020 йилда 8,05 млрд сўмни ташкил қилган бўлиб, 2018 йилга нисбатан 2,9 марта ортган бўлса, 2019 йилга нисбатан эса 2,4 фоизга қисқарган. Шунингдек, тўлов-контракт маблағларининг 5 фоиз миқдоридаги тушум ҳисобидан шаклланган манбаси 2020 йилда 9,7 млрд сўмни ташкил қилиб, ўтган йилларга нисбатан ўсган (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон ОТМда инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш жараёнининг тенденциялари²¹

Тижоратлаштириш бўлимига жалб этилган маблағлар номи	2018	2019	2020	2020 йилда 2018 йилга нисбатан мутлақ ўзгариши, (+, -)
Инновацион жамғармага тушган тушум жами (млрд сўм)	4,59	20,76	24,35	19,76
Йил бошига қолдиқ (млрд сўм)		3,41	6,6	
Инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобига (млрд. сўм)	2,82	8,24	8,05	5,23
Тўлов-контракт маблағларининг 5 фоиз миқдоридаги тушум ҳисобига (млрд сўм)	1,77	9,11	9,7	7,93

²¹ Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги маълумотлари асосидаги таҳлилий ишланмаси.

Жамғарма инновацион тижоратлаштиришдан даромаднинг улуши (фоиз)	маблағларидаги маҳсулотларнинг олинган	61,4	39,7	33,1	-28,3
Жамғарма тўлов-контракт 5 фоиз миқдордаги тушумнинг улуши (фоиз)	маблағларининг	38,6	43,9	39,8	1,2

Республика олий таълим муассасалари инновацион жамғармасига жалб этилган маблағларнинг жамидаги ҳудудлар улуши таҳлил этилганда энг юқори улуш Тошкент шаҳрига тўғри келган. Шунингдек, 2018-2020 йиллардаги республика бўйича олий таълим муассасалари жами инновацион жамғарма маблағларидаги ҳудудларнинг ўртача қўшган ҳиссаси аниқланганда юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (53,7 фоиз), Навоий (12,1 фоиз), Самарқанд (10,6 фоиз), Андижон (6,0 фоиз) ва Фарғона (5,3 фоиз) вилоятларига тўғри келган (5-жадвал). Мазкур ҳудудларда жойлашган олий таълим муассасаларининг умумий ҳиссаси ўртача тадқиқот даврида 87,7 фоизни акс эттирмоқда.

Мазкур ҳолатни икки жиҳат билан асослаймиз. Жумладан, юқори улушга эга ҳудудларда республика олий таълим муассасаларининг сони нисбатан кўп. Жумладан, республикада энг кўп олий таълим муассасалари жойлашган ҳудуд Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятлари ҳисобланади. Шундай бўлсада, Навоий вилояти республика ҳудудлари ичида энг кам олий таълим муассасалари жойлашган ҳудуд ҳисоблансада, инновацион жамғармани шакллантиришда юқори улушга эга бўлмоқда. Бунинг сабаби – мазкур вилоятда йирик саноат корхоналарининг мавжудлиги, унинг концентрация бўлганлигидир. Шу билан бирга йирик саноат корхоналарини концентрация даражаси республикада Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятларида ҳам юқоридир.

Шунингдек, Ўзбекистон олий таълим муассасалари инновацион жамғармасига жалб этилган маблағларнинг жамидаги Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг улуши 12,3 фоизни ташкил қилиб, уларда 1,0-1,5 фоиз оралиғидаги кўрсаткичлар кузатилмоқда. Энг кичик ўртача кўрсаткич тадқиқот даврида Сирдарё вилоятига тўғри келиб, 0,8 фоизга тенг бўлган. Бу эса, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, мазкур вилоятда олий таълим муассасалари ҳамда саноат корхоналарининг камлиги билан асосланади.

**Худудлар кесимида инновацион жамғармаларнинг шаклланиш
тенденциялари²² (фоиз)**

Худудлар номи	2018	2019	2020	2020 йилда 2018 йилга нисбатан мутлак ўзгариши, (+, -)
Андижон вилояти	2,3	7,1	8,7	6,4
Бухоро вилояти	1,3	1,1	0,9	-0,4
Жиззах вилояти	1,4	1,6	1,5	0,1
Қашқадарё вилояти	1,6	0,8	1,0	-0,6
Қорақалпоғистон Республикаси	2,9	0,7	0,7	-2,2
Навоий вилояти	5,7	15,0	15,7	10
Наманган вилояти	1,1	1,5	2,3	1,2
Самарқанд вилояти	8,7	5,2	17,9	9,2
Сирдарё вилояти	1,2	0,2	1,0	-0,2
Сурхондарё вилояти	1,1	1,8	1,0	-0,1
Тошкент вилояти	1,7	2,0	1,9	0,2
Тошкент шаҳри	64,5	54,6	42,0	-22,5
Фарғона вилояти	3,4	8,0	4,4	1
Хоразм вилояти	3,1	0,4	1,0	-2,1
Жами	100,0	100,0	100,0	

